# VIII.ИСТЕЪМОЛ БОЗОРИ

Вилоят бўйича жорий йилнинг январь-сентябрь ойларида чакана савдо товар айланмаси 6983,8 млрд. сўмни ташкил этиб, ўсиш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 102,3 % ни ташкил қилди. Шу жумладан, йирик корхоналарнинг товар айланмаси 214,8 млрд. сўмни (ўсиш суърати 36,8 %), кичик тадбиркорлик суъбектларининг товар айланмаси 6206,5 млрд. сўмни (ўсиш суръати 108,9 %), уюшмаган савдо товар айланмаси 562,5 млрд. сўмни (ўсиш суръати 103,8 %) ташкил этди.

**Чакана савдо товар айланмаси (овқатланишни қўшган ҳолда) таркиби, фоизда**

*(2019 йил январь-сентябрь ойларида)*




2019 йилнинг январь-сентябрь ойларида чакана савдо товар айланмаси таркиби давлат ва нодавлат шакллари бўйича қуйидагича ифодаланади.



Давлат мулки 41,9 млн. сўмни умумий чакана савдо товар айланмасидаги улуши 0,6 % ни ташкил қилди.

Нодавлат мулки 6941,9 млн. сўмни умумий чакана савдо товар айланмасидаги улуши 99,4 % ни ташкил қилди.

Чакана савдо товар айланмаси ҳажмида катта улушга эга бўлган Қарши шаҳри 26,0 %, Косон 9,3 %, Чироқчи 8,0 %, Қамаши 7,0 % ва Китоб 6,4 % туманлари ҳиссасига тўғри келган бўлса, Қарши тумани 4,1 %, Ғузор тумани 3,9 %, Шаҳрисабз тумани 3,6 %, Муборак тумани 3,1 % улуш билан энг паст кўрсаткични қайд этди.

**Қашқадарё вилоятида туман ва шаҳарларнинг жами чакана товар айланмасидаги улуши, фоизда**




Жумладан, 2019 йилнинг январь-сентябрь ойлари мобайнида чакана савдо товар айланмаси таркибида овқатланиш ташкилотларининг савдо айланмаси 2,1 % ни ташкил этиб, 144,7 млрд. сўмга етди ёки ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 103,3 % ўсишга эришилди. Бунда жами савдо айланмасининг 93,6 % улуши кичик тадбиркорлик субъектлари улушига тўғри келмоқда.



**Туманларнинг умумий овқатланишдаги улуши, фоизда**




Умумий овқатланиш корхоналарини қўшган ҳолда, чакана савдо товар айланмаси аҳоли жон бошига 2157,3 минг сўмни ташкил этди. Ўртача жон бошига товар айланмасининг энг юқори кўрсаткичлари Қарши шаҳрида (6651,0 минг сўмни), Шаҳрисабз шаҳрида (2944,0 минг сўмни), Миришкор туманида (2653,1 минг сўмни), Муборак туманида (2518,3 минг сўмни) кузатилди.



**Чакана товар айланмаси умумий (умумий овқатланишни қўшган ҳолда)**
*(2019 йил январь-сентябрь)*

| | Жами | | Аҳоли жон бошига | |
|---|---|---|---|---|
| | млрд. сўм | 2018 йил январь-сентябрга нисбатан, % ҳисобида | минг сўм | 2018 йил январь-сентябрга нисбатан, % ҳисобида |
| **Қашқадарё вилояти** | **6983,8** | **102,3** | **2157,3** | **100,3** |
| Ғузор | 272,3 | 107,1 | 1356,6 | 105,2 |
| Деҳқонобод | 343,1 | 100,8 | 2369,5 | 98,8 |
| Қамаши | 487,7 | 100,7 | 1825,8 | 98,5 |
| Қарши | 286,7 | 101,2 | 1176,4 | 99,0 |
| Косон | 651,7 | 104,8 | 2322,7 | 102,5 |
| Китоб | 447,6 | 101,2 | 1716,2 | 99,3 |
| Миришкор | 312,3 | 101,9 | 2653,1 | 100,0 |
| Муборак | 215,1 | 110,1 | 2518,3 | 107,9 |
| Нишон | 274,3 | 104,4 | 1828,5 | 101,9 |
| Касби | 293,3 | 101,5 | 1517,1 | 99,4 |
| Чироқчи | 558,5 | 101,6 | 1384,9 | 99,0 |
| Шаҳрисабз | 251,5 | 104,4 | 1146,3 | 102,7 |
| Яккабоғ | 370,0 | 102,0 | 1424,5 | 99,9 |
| Қарши ш. | 1813,7 | 101,2 | 6651,0 | 99,7 |
| Шаҳрисабз ш. | 406,0 | 101,8 | 2944,0 | 100,0 |

Йил бошидан вилоят бўйича улгуржи савдо товар айланмаси 1983,3 млрд. сўмни ташкил қилди ва 2018 йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 96,2 % ташкил қилди.

Улгуржи савдо товар айланмасида энг юқори ҳажм кичик тадбиркорлик

субъектларига тўғри келиб, мазкур ҳажм 2019 йил январь-сентябрь ойлари якунларига кўра, 1236,1 млрд. сўмни ташкил этди ва ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 107,8 % ни ташкил этди. Ушбу секторнинг умумий улгуржи савдо айланмасидаги улуши эса 62,3 % ни ташкил қилмоқда.

**Қашқадарё вилоятида ҳудудларнинг улгуржи савдо товар айланмасидаги улуши, фоизда**




Кичик корхона ва микрофирмаларнинг улгуржи савдо товар айланмаси 7,8 % га кўпайиб, 1236,1 млрд. сўмга етди ва умумий улгуржи савдо товар айланмасидаги улуши эса 62,3 % ни ташкил қилди.




**Улгуржи савдо товар айланмаси**

*(2019 йил январь-сентябрь)*

| | млрд. сўм | 2018 йил январь-сентябрга нисбатан, % ҳисобида |
|---|---|---|
| **Қашқадарё вилояти** | **1983,3** | **96,2** |
| Ғузор | 9,0 | 57,8 |
| Деҳқонобод | 3,6 | 28,0 |
| Қамаши | 36,5 | 2,1 м. |
| Қарши | 91,9 | 87,8 |
| Косон | 74,1 | 99,4 |
| Китоб | 74,1 | 130,5 |
| Миришкор | 60,8 | 4,1 м. |
| Муборак | 50,9 | 155,9 |
| Нишон | 104,1 | 146,5 |
| Касби | 55,8 | 4,3 м. |
| Чироқчи | 38,3 | 44,6 |
| Шахрисабз | 16,4 | 54,0 |
| Яккабоғ | 34,5 | 80,8 |
| Қарши ш. | 1242,8 | 87,5 |
| Шахрисабз ш. | 90,5 | 129,3 |